



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING Q A R O R I

2022 - yil 24 - yanvar

51-14-0-Q/22

Toshkent shahar hokimligi

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 17 январдаги VI-54-1-14-0-K/22-сонли қарори ижроси тўғрисида

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 2 августдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-44-35-14-0-K/21-сонли ва 2022 йил 17 январдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил давомида шаклланган қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-54-1-14-0-K/22-сонли ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 16 ноябрдаги 470-14-0-Q/21-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари мажмуасининг 2022 йил 19 январдаги 03-51-сонли ҳамда Тошкент шаҳар “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонасининг 2022 йил 18 январдаги 01/05-19-сонли мурожаатларини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 28 сентябрдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-47-78-14-0-K/21-сонли қарори билан Тошкент шаҳрида

кенг кўламдаги қурилиш ишлари, жумладан катта ҳажмдаги йўл-транспорт инфратузилмаси объектларини қуриш ва таъмирлаш ишлари бир неча бор ортганлиги, йўл ишлари жадал суратларда ва сифатли бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ўз вақтида фойдаланишга топшириш мақсадида, Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги М39Б автомобиль йўли “Тошкент ҳалқа йўли” 41-43 км участкасини (Оҳангарон шоссеси) тўла таъмирлаш ишлари учун 4 700,0 млн. (тўрт миллиард етти юз миллион) сўм миқдорида маблағ ажратилганлиги инобатга олинсин.

2. Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январь ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУКга Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги М39Б автомобиль йўли “Тошкент ҳалқа йўли” 41-43 км участкасини (Оҳангарон шоссеси) тўла таъмирлаш ишлари билан боғлиқ харажатлар учун 3 155,0 млн. (уч миллиард бир юз эллик беш миллион) сўм миқдорида маблағлар тақсимлансин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров):

тақсимланган маблағлар ижроси бўйича ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ҳисобот киритилсин.

4. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

2022 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Тошкент шаҳар "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" давлат унитар корхонаси (О.Абдуназаров):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда ва мақсадли сарфланиши таъминлансин.

6. Тошкент шаҳар бўйича Газначилик бошқармаси (М.Зарипов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда молиялаштириш чоралари кўрilsин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳар

Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат
ўрнатилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар
ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.